



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
кељаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2005 йил 24 март, № 58 (3603)

Пайшанба

«Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон» йўналиши қурилишида

«Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон» темир йўли қурилишининг 3 минг нафарлик бунёдкорлари ҳам Наврўз байрамидини зўр шодиёна билан нишонладилар. Сабаби — бу кун улар учун қўш байрамга айланиб кетди.



Темирйўлчилар шижоат кўрсатмоқдалар

Маълумки, темир йўlining «Қумқўрғон-Бойсун» йўналиши узунлиги — 59,1 километр. Ҳозирга қадар шу масофанинг 33 километрга рельслар ётқизилди. Бунда, аynиқса, 203-йўл-тажриба-машина станцияси жамоаси алоҳида ўрнатди. Улар тоғ жинслари ва тупроқ ишларини бажаришда энг юқори суръат ва сифатга эришдилар.

СУРАТЛАРДА: муҳандис Ёрқинбек Маъмиров темир йўл шундай адирлар бағридан ўтади.

Муҳаммад АМИН (ЎЗА) олган суратлар.



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатиди

2005 йил 23 март кунин Сенатда бўлиб ўтган давра сўхбати биологик хилма-хилликни сақлаб қолиш модели сифатида Нурота-Қизилқум биосфера резерватини барпо этиш мисолида «Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги Қонуннинг ижро этилиши масаласига бағишланди. Бу тадбирни Сенатнинг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофаза қилиш қўмитаси билан биргаликда ташкил этди.

Муҳокама асосида шу нарса таъкидландики, Ўзбекистон Биологик ранг-баранглик тўғрисидаги халқаро конвенцияга қўшилиш билан табиатни муҳофаза қилиш объектларини ягона экологик тизимда ривожлантириш мажбуриятини ўз зиммасига олди. Шу муносабат билан мамлакатимизда экологик хавфсизликни таъминлаш ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг, табиат муҳофазасига оид тадбирларни амалга оширишнинг, табиий бойликларни келгуси авлодлар учун асраб-авайлашнинг ҳуқуқий базасини яратиш ҳамда кенгайтиришга қаратилган қатор қонунлар қабул қилинди.

Давра сўхбати иштирокчилари биологик хилма-хилликни сақлаб қолишда «Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги Қонуннинг муҳим ролини алоҳида таъкидлаб, уни амалга ошириш юзасидан бир қанча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилиши зарур эканлигини айтдилар. Экологияга оид қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш масалаларини ҳам атрофлича муҳокама этдилар.

Нурота-Қизилқум биосфера резерватини барпо этиш мисолида мамлакатимизнинг бошқа минтақаларида ҳам шу сингари табиий зоналарни шакллантиришнинг ҳуқуқий масалалари ҳамда уларни қонунчилик йўли билан таъминлаш омили муҳокама этилди. БМТ Тараққиёт Дастурининг Ўзбекистонда биологик хилма-хилликни сақлаб қолишдаги ролни ҳам таъкидлаб ўтилди.

Анжуман иштирокчилари шунга эътиборни алоҳида қаратдиларки, Нурота-Қизилқум биосфера резерватининг ташкил топиши экологик хавфсизликни янада пухтароқ таъминлашга, атроф-муҳитни муҳофаза этишга, биологик ранг-барангликни сақлаб қолишга ёрдам беради. Шунингдек, табиатни муҳофаза қилиш объектларини ягона экологик тизимда ривожлантириш борасидаги халқаро мажбуриятлар Ўзбекистон томонидан бажарилишига қўмақлашди. Биологик ранг-баранглик тўғрисидаги конвенция қондаларини миллий қонун ҳужжатларига сингдириш ишини тезлатди.

Давра сўхбатиди сенаторлар, депутатлар, вазирлар ва идораларнинг, ҳокимликларнинг, нодавлат ношароат ташкилотларнинг намояндалари, олимлар ва мутахассислар, БМТ Тараққиёт Дастурининг Ўзбекистондаги доимий вакили, оммавий ахборот воситаларининг ходимлари иштирок этдилар.

«Ташаббус — 2005»

ИЛГОРЛАР САРАЛАНДИ

ФАРФОНА (ЎЗА) МУХБИРИ М.СУЛАЙМОНОВ. Ўзбекистон Республикаси Президентини соврини учун ўтказиб қилинган аънавий «Ташаббус» кўрик-танловининг Фарғона вилояти босқичи якунланди. Танловда 33 нафар тадбиркор, хунарманд ва фермер иштирок этди. Бу йилги танловда маҳаллий ҳомишдан ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ва уларнинг сифати алоҳида эътибор қаратилди. Танловда тадбиркорлар, хунармандлар ва фермерлар ўзлари ишлаб чиқараётган, етиштиратган маҳсулотларини намойиш этдилар.

Кўрик-танловнинг бош совринлари «Энг илгор тадбиркор» — Учкўрик туманидаги «Мехриғий» кичик корхонаси раҳбари Алижон Абдуразақов, «Энг илгор хунарманд» — марғилонлик Турғунбой Мирзахмедов ҳамда «Энг илгор фермер» — Тошлоқ туманидаги «Баҳромхон» фермер хўжалиги раҳбари Тўрақон Қурбоновга насиб этди. Фоллар танловининг мамлакат босқичига йўланма олдилар.

Умуммамлакат марафони

Ардоқли байрамимиз — Наврўзга бағишлаб ўтказилган умуммамлакат марафонининг сўнги: Наманган-Анджон-Фарғона-Ангрон-Тошкент йўналиши кеча эрталаб гуллар ва спортчилар шайри Намангандан старт олди. Шу муносабат билан вилоят марказидаги Конституция майдониди ўтказилган кўп миң кишилик митингди спортнинг ҳаётимизда тутган ўрни, унинг омалашуви борасидаги саъй-ҳаракатлар ҳуқуқида атрафлича гапирилди. Марафоннинг ушбу йўналишидан пойтахт сари йўл олган Тошкент шаҳри ва вилояти жамоасига наманганлик ўн икки нафар ёшлар ҳам қўшилишди. Улар билан бирга тўрт юз нафардан ортиқ йилит-қиз вилотнинг Наманган, Ўйчи, Нориин туманлари ҳудуди бўйлаб югуришди. Марафончиларни Қорандар кўприги устида кўшни андижонликлар гуллар билан қарши олишди. Бу ерда тадбирнинг Наманган босқичи фоллиларини тақдирлаш марафони бўлиб ўтди. Сўнгра ўз саволига Анджон вилояти вакиллари ни қўшиб олган югурувчилар ҳаракати давом эттиришди. Йўлда улар қаторини фарғоналиклар тўлдирди.

Термиз-Китоб-Самарқанд-Тошкент ва Нукус-Урганч-Бухоро-Тошкент йўналишидаги республика марафони қатнашчилари кўтүлү байрам кунлари қадимий Самарқандга етиб келишди. Икки йўналишдаги 120 нафар марафончи кўна Регистонга тақлиф этилди. Тантанали равишда ўтган учрашувда шаҳар жамоатчилиги, талаба-ёшлар қатнашиб, спортчилар билан дилдан сўхбатлашдилар. Самарқанд шаҳар ҳокими С. Рафиқов марафончилар ҳузуриди сўзга чиқиб, уларга омад тилади. Сихат-салооматлик йилида бундай тадбирларнинг хайрли жиҳатлари ҳақиди сўз юритди. Самарқанднинг энг замонавий меҳмонхоналарида дам олмишган марафончилар кеча эрталаб Жиззах шаҳри сари кузатиб қўйилди. Улар сафига самарқандлик яна 12 спортчи қўшилди.

Кудратилла НАЖМИДДИНОВ, Абдуросул САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбирлари.

Деҳқон тафаккури ўзгармоқда

2004 йилда Қашқадарё вилояти деҳқонлари қишлоқ хўжалигидан 205 миллиард сўм даромад олдилар. Унинг 60 миллиард 131 миллион сўми соф фойдадир. Рентабеллик даражаси 41,5 фоизни ташкил этди. Соф фойда ҳажми 2003 йилдагига нисбатан 149,8 фоиз ошди.

Улар бундай натижаларга қандай қилиб эришдилар? Бу саволга «Ҳа, ўтган йили пахта йили бўлди» деб жавоб берувчилар ҳам йўқ эмас. Бир ҳисобда, бу гапда ҳам жон бор. Ҳақиқатан, ишлайман деган деҳқонда об-ҳаво қўлай келди. Лекин бундай шароитда ҳам ҳосилни бой бериб, шартнома режасини уудаллай олмади, юзи шувут бўлганлар борлигига нима дейсиз? Гап шундаки, ишнинг кўзини бил-

радиган, ер билан тиллашадиган, меҳнатдан қочмайидиган деҳқон ҳар қандай шароитда ҳам кўзланган мақсадига эришади. Кўп йиллик тажрибаси буни исботлаб турибди. Шу ўринда биргина Ўзбекистон Қаҳрамони Муродилла Саидов раҳбарлик қилаётган «Жейнов» хўжалигининг пахта ва галла етиштириш соҳасидаги юксак иқтисодий кўрсаткичларини таҳлил қилсак, кишлоқ инфраструктурасини ривожлантиришга қаратилган иб-

Иқтисодий таҳлил

ратли тадбирларини санаб ўтсак, чет эллик ҳамкорлар иштирокида ташкил этилган замонавий қайта ишлаш корхоналари қандай самара бераётганлигини тилга олган натижалар битта-иккита илгор хўжалик ёки ўн-ўн бешта довруғли фермернинг ютуқлари жамламаси эмас. Бу, умуман, деҳқон тафаккури ўзгараётганлигининг, хўжалик юритишнинг шаклидан қатъи назар, ҳамма жойда одамлар янгича фикрлашга интилаётганлигининг самарасидир. — Кейинги йилларда деҳқон жуда ўзгариб кетди, — дейди биз билан сўхбатда Миришкор туманидаги «Миришкор» хўжалигининг 1-кичик ширкати раиси Шоназар Маллаев. — Ҳозир фермер-ку ўйюлига, хатто пудратчи ҳам юқоридан кўрсатма, буйроқ кутиб ўтиради. Ишини ўзи билиб қилаверади. Ери аниқ, экадиган экини аниқ. Айниқ-

Кўшнинг тинч — сен тинч

Эн кўшнимиз — Қирғизистонда бўлаётган воқеаларни, ҳамма қатори диққат билан кузатиб турибмиз. Албатта, бундай нозик дамларда қандай ҳаракат қилиш кераклигини ҳар бир давлатнинг ўзи белгилайди. Лекин, шунини айтмоқчи эдимки, кекса тарих гувоҳи бундай талотулилар, ур-йўқитлар ҳеч қачон яхшиликка олиб келмаган. Ҳадиси шарифларда мўътадил бўлиш, босқ-вазминлик инсон боласи учун энг тўғри қарор эканлигини эслатим келади. Мен Қирғизистонда кўп бўлишман. Бу улка инсониятга улуг алломалар берганлиги барчага аён. Қирғиз халқи — бой тарихий аънамага эга, донишманд халқ. Ишончим комилки, бу заминда ҳар қандай мураккаб муаммо тинч йўл билан ҳал бўлади. Шу элнинг оқил, кўпни кўрган кишилари Шарққа хос бўлган азалий хислатларини намойн этиб, тинч-тотув ҳаётни давом эттирадилар.

Мирпўлат МИРЗАЕВ, шoir.

Хайнц Юрген Геде:

«Фақат галаба учун майдонга тушамиз»

Эртага миллий терма жамоамиз ҳажон чемпионати иккинчи босқич саралаш учрашувиди Кувайт давлати футболчиларига қарши майдонга тушади. Кувайт — Ўзбекистон терма жамоалари бир марта расмий учрашув ўтказган. Унда 3:3 дуррап натижа қайд этилган. Сафар олдидан терма жамоамиз бош мураббийси Хайнц Юрген Геде билан қисқача мулоқотда бўлди.

Мана бир неча кундирки, ҳаммамиз Қирғизистонда рўй бераётган воқеаларни диққат билан кузатиб турибмиз. Ахир шундоққина эн кўшнимизнинг уйиди безовалик бўлади-ю, биз бефарқ қарай-мизми? Ишқилиб, қирғиз халқининг ақл-заковати ва буюклимас иродаси туфайли бу муаммо беталофат, беозорлик билан ҳал бўлсин.

Кўшнинг ҳам ини бузилмасин

Ҳеч қачон оломон ҳаракати билан, жазаво-жунбуш билан тўғри эчимга келиб бўлмайди. Бордию, озгина халтога йўл қўйилган бўлса, уни мамлакатдаги мавжуд Конституция ва қонунлар асосида музоқара ўтказиш орқали ҳал этса бўлади. Шу жиҳатдан олганда, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Баёнотида билдирилган фикрларга ҳаммамиз қўшилишимиз. Минтақамиздаги тинчлик ва барқарорлиқни, оилаларимиз оёсайшалигини сақлаб қолишдан барчамиз бирдек манфаатдормиз.

Кувайт билан уйинда Алексей Поляков, Игнатий

Сўнги соатда

Нестеров, Бахтиёр Ашурматов, Асрор Алиқулов, Алексей Николаев, Олег Пашинин, Николай Ширшов, Владимир Радкевич, Леонид Кошелов, Тимур Копадзе, Ислам Иномов, Миржало Қосимов, Андрей Ақоянц, Сервер Желаров, Владимир Маминов, Анваржон Солиев, Элдор Магдиев, Марат Бикмаев, Максим Шацких, Александр Гейришлар ватанимиз шафарфини ҳимоя қилади.

З.ЖОНИБЕКОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

са, ҳисоб-китоб, иқтисодий манбаларда деҳқоннинг кўзи очилди. Бунда харажатлар чек дафтаридаги орқали назорат қилинади. Бош пудратчининг ҳар бири пудратчи бўлган тежалган маблағнинг ютуқлари жамламаси эмас. Бу, умуман, деҳқон тафаккури ўзгараётганлигининг, хўжалик юритишнинг шаклидан қатъи назар, ҳамма жойда одамлар янгича фикрлашга интилаётганлигининг самарасидир.

Унинг айтганича бор. «Миришкор» хўжалиги 2004 йилда 2 миллиард 858,7 миллион сўм даромад қилди. Пахтачилик ва галлачиликдан олмиш соф фойда 519 миллион сўмини ташкил этди. Шартнома мажбуриятда белгиланган 6300 тонна ўрнига 8332 тонна пахта, 2700 тонна ўрнига 4294 тонна галла сотилганлиги деҳқон даромадининг салмоқли бўлишида асосий омил бўлди.

(Давоми 2-бетда).

Жаҳон 24 соат ичида

300 миллион доллар керак

Россия мудофаа вазири Сергей Ивановий маълум қилишчи, Грузиядан ҳарбий базани олиб чиқиб кетиш учун 250-300 миллион доллар зарур бўлади. Унинг сўзларига қўра, бу маблағ ҳарбий техникаларни кўчириш, янги база қуриш учун сарфланади.


Россия ҳарбий базасини олиб чиқиб кетиш юзасидан икки мамлакат ташқи ишлар вазирлиги ўртасида ўтказилган музоқараларнинг иккинчи босқичи шу ой охирида бўлиб ўтиши кутилапти. Айни пайтда Грузия парламенти Ахалкалак ва Батумиди Россия ҳарбий базасини 2006 йил 1 январга қадар мамлакат ҳудудидан чиқариб юбориш тўғрисида қарор қабул қилди. Эндиликда ҳарбий базанинг мамлакатда қолиши Грузия қонунларига зиддир.

Ҳарбийлар уйларига қайтади

Украина президенти Виктор Юшенко Ироқда фаолият кўрсатаётган ўз ҳарбий контингентини олиб чиқиб кетиш режасини тасдиқлади. Миллий хавфсизлик ва мудофаа кенгаши котибининг сўзларига қараганда, Украина тинчликпарвар кучларининг Ироқни тарк этиш муддати иттифоқчилар билан келишилган ҳолда белгиланади. Ҳозирда тах-

Эмбарго кучида қолиши мумкин

1989 йилда Европа Иттифоқи Хитойга нисбатан қурол-яроғ сотишни чекловчи эмбарго эълон қилганди. Айни пайтда мазкур эмбарго бекор қилиш



юзасидан муҳокамалар ўтказилмоқда. Бироқ, Буюк Британия ташқи ишлар вазири Жек Стронинг баёнот беришчи, яқинда Хитой парламенти томонидан Тайванга нисбатан ҳарбий куч ишлатиш тўғрисида қабул қилинган қонун эмбаргонинг ўз кучиди қолишига туртки бўлиши мумкин. Бундан ташқари, АКШ мазкур санкциянинг бекор қилинишига қаршилик қилиб қолапти. Расийин Вашингтон Хитой ва Тайван ўртасида қуролланиш пойғаси бошлиқ кетишидан хавотирланмоқда.

ДЕҲҚОН ТАФАККУРИ ЎЗГАРМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Вилоятда жамоа-ширкат ҳўжаликлари фермер ҳўжаликларига айлантириш жараёни жадал борапти. 2004 йилда 61 та ширкат ҳўжалиги тугатилган эди. Бу йил яна 34 та ширкат ҳўжалигида фермерлик ташкил этилаёпти.

Машҳур раис Муродилла Саидов билан дала бошида суҳбатлашиб туриб, ундан фермерлик ҳақидаги фикрини сўрадим.

— Кишлоқ ҳўжалигининг истиқболли фермерлик билан боғлиқ, — деди у. — Бунга шубҳа йўқ, қаерда ширкат ҳўжаликлари ўрнига фермер ҳўжаликлари тугатилган бўлса, ҳосилдорлик ҳам, даромад ҳам, фойда ҳам кескин ошаёпти. Лекин масаланинг нозик бир томони ҳам бор. Ҳозирча қолқоқ ёки ўртамайна ҳўжаликлар тугатилмапти. Шунинг учун ҳам фермерликнинг афзаллиги бирдан кўзга ташланаёпти. Бизнинг ҳўжалигимизга ўшаган иқтисодий бакуват ҳўжаликларнинг йўриги бўлак. Мулкнинг шакли демасак, "Жейнов" ҳам бир йирик фермер ҳўжалигида. Иқтисодий курсаткиларимиз, ҳўжалик урилиши услубимиз, ерга муносабатимизда фарқ йўқ. Аслини олганда, бизнинг пудратчиларимиз ҳаммаша ва ҳар соҳада фермерчасига тафаккур қилишаёпти.

2004 йил сарҳисоби "Жейнов"ликларнинг ернинг ҳақиқий эгалари эканлигини яна бир намойиш қилди. Ҳисобот йиғилишидан олти нафар деҳқон янги машина миниб қайтди. Бошқа қимматбаҳо совгалар ҳам бисёр бўлди.

Деҳқоннинг ерга меҳри ортиб бормоқда. Ана шу меҳр туфайли ер эъзоз топмоқда. Деҳқон меҳрига қонган ернинг саҳоватидан тўқинлик, мўл-кўнчилик,

фаровонлик юзага келмоқда.

Шодибек бобо Абраев 71 ёшга тўлди. Тоғли Деҳқонбод туманида яшайди. Ўзи иқтисодчи, нафақага чиққунча "Оқрабат" ҳўжалигини бошқарган, туман даражасида раҳбарлик вазифаларида ишлаган. Фарзандлари уйли-жойли, рўзгориде камчилиги йўқ. Лекин ҳозир ҳам тиниб-тинчимапти.

— Еринг қадрини билиш керак, — дейди отахон. — Одамни ер боқди. Президентимиз "Деҳқон бой бўлса, мамлакат бой бўлади" деб бекорга айтганлари йўқ. Биз, кишлоқ аҳолисининг ризқ-рўзимиз ердан. Шунинг учун ҳам икки ўғлим фермер бўлиб, деҳқончилик қилаёпти. Бирида 30 гектар, иккинчисиде 15 гектар ер бор. Ўзим бир гектар ерда деҳқон ҳўжалиги ташкил қилдим. Ҳуқуқий мақомага эга. Галла етиштиряман. Давлатимизга минг раҳмат, тоғли худудда яшайётган аҳолини деҳқон ҳўжалиги тузиб, ер олишга рағбатлантираёпти. Яна икки ўғлим ҳам бир гектардан ер олиб, деҳқон ҳўжалиги ташкил этишди. Дуппа-дуруст деҳқон бўлиб қолишди. Ҳам давлатга фойда, ҳам ўзларига қўшимча даромад келаяпти. Илгари бўш ётган лағми ерлар фаровонлик учун хизмат қилаёпти.

Вилоятда 15265 та фермер ҳўжалиги фаолият кўрсатмоқда. Ўтган йили улар 150,1 миллиард сўмлик кишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарди. Бу йили кишлоқ ҳўжалик маҳсулотининг 34,7 фоизини ташкил этди.

2004 йилда вилоятда тайёрланган пахтанинг 70,1 фоизи фермер ҳўжаликлари ҳиссасига тўғри келди. Уларда ҳосилдорлик ўртача 28,7 центнерни ташкил этди. Муборак туманида пахта ҳосилининг ҳаммасини,

Косон туманида 99,6 фоизини, Нишон туманида 96,1 фоизини фермерлар етиштирдилар. Фермерларнинг пахтачиликдан олган соф фойдаси 27,2 миллиард сўмга, рентабеллик даражаси эса 44,9 фоизга етди.

Фермерликнинг афзалликлари экин майдонлари самарадорлигининг юқорилигида, айниқса, яққол кўзга ташланади. Ўтган йили ширкат ҳўжаликлари ҳар бир гектар пахта майдонидан 568,2 минг сўмдан даромад, 207,2 минг сўмдан соф фойда олган бўлса, фермер ҳўжаликларида бу



хисобга олиб, вилоят кишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармасида бир ҳафталик ўқув ташкил этилди. Бундан ташқари, фермерлар учун урта бизнес мактаби мунтазам ишлаб турибди. Уларнинг дастуриде ҳўжалик юритишнинг назарий асослари ҳақидаги маърузалар билан бир қаторда фермер ҳўжаликлари тажрибасида учраб турадиган ҳаётий муаммоларнинг ечимини излаш, таҳлил қилиш ва тавсиялар ишлаб чиқишга мўлжалланган амалий машғулотлар ҳам бор.

Фермерликни ривожлантириш учун туманларда фаолият кўрсатаётган тендер комиссиялари зиммасига, айниқса, катта масъулият юклаган. Ерни ҳақиқий эгаларга топшириш учун фермерликка даввогарлар ичидан энг муносибларини танлаб олиш керак бўлади. Косон туманида бу иш яхши ташкил этилгани учун ҳам, 2004 йилда кишлоқ ҳўжалик қороналарининг ҳам-

маси тўлиқ фермерликка ўтказилди. Натижада пахтачиликда ҳам, галлачиликда ҳам кескин кўтарилиш юз берди. Галла етиштириш 2003 йилдагига нисбатан 1,4 баробар, пахта етиштириш 1,2 баравар кўпайди.

Афсуски, Ғузур туманида бунинг акси бўлди. Тендер комиссияси фермерларни танлашда ошқораликни таъминланмаганлиги, таниш-билишчиликка йўл қўйганлиги учун деҳқончиликдан узоқ бўлган одамларга ҳам ер бериб юборилди. Оқибатда 175 та фермер пахтачилик, 76 та фермер галлачилик бўйича шартнома мажбуриятларини бажармади. Бу соҳадаги камчиликларга барҳам берилса, вилоятда кишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтиришнинг катта имконияти вужудга келиши турган гап.

Шартнома мажбуриятларини бажариш масъулияти ҳақида ҳам алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. Чунки бугунги деҳқон шартноманинг моҳиятини англаб етди. Илгари "Бўлса бўлар, бўлмаса говлаб кетар" деган кайфиятдаги фермерлар ҳам учраб туради. Ҳозир шартномани тузишга ҳам, унинг ҳар бир бандини бажаришга ҳам ўта масъулият билан ёндашиш одат тусига кирди. 2004 йил якуни бўйича шартнома мажбуриятини бажармаган айрим фермерларнинг ери қайтариб олинганлиги ҳам деҳқонларни анча ҳушёр тортириб қўйди.

Вилоятда кўплаб ширкат ҳўжаликлари ўрнида фермерлик жорий қилинаётганлиги муносабати билан кишлоқ имфратизмларини ривожлантириш, ободонлаштириш ишларини амалга ошириш, маданий-маиший объектлар, йўллар қуриш, таъмирлаш билан боғлиқ муаммолар ҳам пайдо бўлмоқда. Яхши даромад

олаётган, ўзи яшаб турган худуд учун масъулиятни хис этадиган фермерлар ободончилик ишларига бош-қош бўлмоқдалар, маблағ ажратмоқдалар. Лекин бу жараён осон кечаётгани йўқ. Туман ҳокимликлари, кишлоқ фуқаролар йиғинлари бу соҳадаги тағйирчилик ишларини кучайтиришлари керак бўлади.

Бугунги деҳқонни бундан ўн йил олдинги қолқоччи билан ҳам, раис билан ҳам сира таққослаб бўлмайди. Деҳқоннинг онги ўзгариб бормоқда. Одамларнинг ерга меҳри ошди. Ерга эгалик ҳисси ҳар қандай мансаб курсисидан ҳам қадриқдор бўлиб қолди. Халол меҳнат эвазига келайётган даромад ҳам йилдан-йилга салмоқдор бўлиб бораёпти.

Инсон ҳаммаша эркинликка интилади. Деҳқонга эркинлик берилди. У боқимандалик қайфиятидан халос бўлди. Ҳозир деҳқонлар етиштирган маҳсулотининг ҳажмининг эмас, балки олган даромадини, соф фойдасини ҳисоб-китоб қилаётган бўлиб қолди. Бу сифатлар фермерларда, айниқса, ёрқинроқ намоён бўлмоқда. Шунинг учун ҳам фермерликка катта эътибор берилаётган.

Вилоят кишлоқ меҳнатқашлари бу йил 164 минг гектар майдонда пахтачилик, 205 минг гектар майдонда галлачилик билан шуғулланиб, 425 минг тонна пахта, 608 минг тонна дон етиштириш бўйича шартномалар тузишган. Деҳқоннинг дилда ўз касбияти меҳр, ерга эгалик ҳисси жўш урса, тафаккур катта зиммасига олган мажбуриятини учун масъулият ҳисси ҳукмрон бўлса, бу вазифанинг беҳамин-кўст адо этилишига шубҳа йўқ. Зеро, Қашқадарь — шундай асл деҳқонлар юрти.

Б. НОРҚОБИЛОВ, "Халқ сўзи" мухбири.

— Ишларини истаган имконият, истамаган баҳона топади, деган нақлнинг ҳақиқати яна бир бор амин бўлдим, — дейди тўрақўрғонлик фермер Муродилла Юсупов. — Биз иш бошлаган пайтимизда фермер бўлам деганлар кўпчилик эди. Ишни бошини тутганлар эса, сараланиб қолди.

Бугун Муродилла Юсупов туманининг энг олди фермерларидан. Ўтган йили ғалладан ҳам, пахтадан ҳам мўл ҳосил олди. Даромад ҳам ҳосилга яраша бўлди. Бугун унинг ҳўжалигида техниканинг барча туридан бор, ҳатто, эскироқ бўлса ҳам, автобусгача сотиб олган. 30 бош қорамол парваришланаётган фермасида ҳам ишлар кўндалдайдати.

СУРАТАДА: Фермер Муродилла Юсупов. Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

— Ишларини истаган имконият, истамаган баҳона топади, деган нақлнинг ҳақиқати яна бир бор амин бўлдим, — дейди тўрақўрғонлик фермер Муродилла Юсупов. — Биз иш бошлаган пайтимизда фермер бўлам деганлар кўпчилик эди. Ишни бошини тутганлар эса, сараланиб қолди.

Б. НОРҚОБИЛОВ, "Халқ сўзи" мухбири.

Университетда тантананан тафти

Юртимизда Наврўз шодиёналари давом этапти. Жойларда, таълим ва тиббиёт муассасаларида, ташкилотларда халқ сайили хурсандчилик билан нишонланаёпти. Тошкент давлат иқтисодиёт университетида, бу йил байрам шодиёналари сайил тарзида ташкил этилди.

Байрам кўни университет раҳбарияти, профессор-ўқитувчилари ва фаол талабалар иштирокида 3-Талабалар уйда-дир неча ойлар давомида олиб борилган таъмирлаш ишлари натижасида бунёд этилган замонавий "Маънавият маркази"нинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Ушбу масканнинг кенг ва шинамлиги, замонавий мебель жиҳозлари билан яратилганлиги ҳар бир кишида ўзгача таассурот қолдирди.

Дастлаб, талабалар ўртасида шахмат, стол тенниси ва армрестлинг

бўйича спорт мусобақалари ўтказилди. Сўнг профессор-ўқитувчилар мини-футбол бўйича мусобақалашди. Охирида эса университет қошидаги "Иқтисодиёт" гимназиясининг ўқувчилари Миллий кураш мусобақаларини ташкиллаштиришди. Ғолиблари ректорат томонидан пул мукофотлари ва қимматбаҳо совгалар билан тақдирланди.

Дарвоқе, муборак айём арафасида университет худудиде 3200 талаба мўлжалланган замонавий ўқув биноси қурилишининг бошланишига оқ фотиҳа берилди.

Куннинг иккинчи ярмида Талабалар уйларида яшовчи ёшларга ҳам байрам дастурхони ёзилди. Йигит-қизларнинг музикавий чиқишлари ва ўйин-кулгилари байрам руҳига шўқуқ бахш этди.

Мақсуд МИРЗО.

Наврўз насимлари



Янги иш ўринлари кўпаймоқда

"Навоий азот" очик турдаги ҳиссадорлик жамияти Навоий шаҳрида янги ўн мингга яқин кишини иш билан таъминлаб турган йирик қорхона. Унда аммиак кислотаси, формалин, теомочевина, аргон каби бир неча хил минерал ўғит ишлаб чиқарилади. Қорхонада маҳсулот турини янада кўпайтириш ва янги иш ўринлари очишга катта эътибор қаратилмоқда.

Жумладан, халқ истеъмол моллари қорхонаси қайта таъмирланиб, полипропилен халта ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Ҳоржик технологияси асосида маҳсулот чиқара бошлаган қорхонада йилга 15 миллион дон полипропилен халта тайёрланади. Айни пайтда юзга яқин киши иш билан таъминланди.

Ёрқун УМАР, ЎзД мухбири.

Газетамизнинг 2003 йили 16 апрель сониде "Билимдонлик балоси" сарлавҳали мақола чоп этилганди. Ундаги воқеаларнинг қисқача мазмунини қуйидагиче: Ҳамза туманидаги "Мухаммад-Али-Савдо" хусусий қорхонаси раҳбари С. Абдузимов устидан бир гуруҳ ишчилар туман прокуратурасига ойлик муошарини ололмаётганликлари тўғрисида шикоят қилишди. Ушбу ариза "илдиз отиб, палак ёйиб" қорхона раҳбарига нисбатан прокуратура томонидан солиқ идорасига ва ўзига хизмат кўрсатувчи банкка топширган ҳужжатларни сохталаштирган, давлатга ва бошқа фондларга тўлиниши керак бўлган

солиқ ва мажбурий тўловларини, банкдан олинган 20 миллион сўм миқдоридеги кредитдан мақсадсиз фойдаланган, деган айблар бўйича жиноий иш қўзғатилади. Пировардида иш Ҳамза тумани судида қўрилиб, айбдорга тегишли моддалар бўйича жазо чоралари тайинланади. Кейин амнистия қўлланиши туфайли жазони ўтатидан озод этилади.

Бу воқеалар аниқ мақсад сари меҳнат қилаётган тadbirkор С.Абдузимов йўлига ташланган катта ғов бўлди. Уни бартараф этиш эса тadbirkордан жуда катта куч, сабр-тоқат талаб этди.

Ҳақиқат чала бўлмайд

Нихоят, мазкур иш жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди раёсатида қўриб чиқилиб, олдинги суд инстанцияларида йўл қўйилган ҳалотлар тузатилади. Жиноят қондексининг С.Абдузимовга нисбатан қўлланган барча моддаси асоссиз деб топилди, иш ҳаракатдан тўхтатилди.

Ҳақ жойига қарор топди. Бироқ айрим мутасадди идораларнинг ишга юзаки қарашлари ёки "кўринмас бош" таъсирида нотўғри маълумот бераверишлари бир инсон тақдирини тамоман бошқа томонга буриб юборганини ҳам айтиб ўтиш жоиз. Мисол учун, "Ўзуйжойамгармабанк"нинг Ҳамза бўлими, унинг юқори ташкилоти раҳ-

барлари суриштирув, текширув органларига С. Абдузимов кредити масаласида бир-биридан фарқли, мантқиқсиз маълумотлар бераверишган. Мана, Ҳамза тумани бошқарувчиси Б. Тўлағановнинг туман судига ёзган хатидан бир парча:

"Да "Ўзуйжойамгармабанк"нинг Ҳамза бўлими Сиздан "Мухаммад-Али-Савдо" хусусий ишлаб чиқариш фирмасининг кредитга оид бўлган барча ҳужжатлари Ҳамза тумани прокуратураси томонидан "Мухаммад-Али-Савдо" хусусий ишлаб чиқариш фирмаси устидан жиноий иш қўзғатилиб, қўриб чиқиш учун олинди, тергов ишлари тугатилган сўнг кредитга оид бар-

ча ҳужжатлар ҳам судга оширилиб юборилган. Шу сабабдан, банкда кредитга оид ҳужжатларнинг нухсаси қолмаганлиги учун кредитга оид ҳужжатларнинг асл нухсасини қайтариб беришингизни илтимос қиламиз".

"Маслаҳат-Аналитик-Маркази" аудиторилик идораси раҳбари Карина Мақлакова ҳам туманининг солиқ прокурори топшириғига қўра, С.Абдузимов қорхонасини тафтишдан ўтказди. Бу ҳақда 2002 йил 7 август кўни далолатнома тузди ва молиявий ҳўжалик фаолиятида, кредит маблағларининг олинishi ва ишлатилишида бир қатор қонун бузилиш ҳолатлари борлигини "кашф" қилди. Пировардида

бу далолатнома ҳам жиноий ишга тиркалди. Бироқ мазкур "ноёб ҳужжат" хусусида С.Абдузимов орадан салкам икки йил ўтгач, хабар топди.

Ушбу воқеа сабаб, кичик қорхона 432 иш кўни йўқотди. Бунни чўтга ташласак, битта ускунада икки сменада ўртача 120 жуфт пайпоқ тўкиб чиқариш мумкин. Қорхона иктиёридаги 15 та шундай ускунанинг ишлаб чиқариш қуввати эса кунига 1880 жуфтини ташкил қилади. Агар ҳар бир маҳсулот нархи ўртача 200 сўм деб олинганда ҳам ўтган мўддатда жами 777600 жуфт пайпоқ тўкилиб, уларни сотишдан 155520 минг сўм даромад олиниши мумкин эди. Айни пайтда ўнлаб ишчилар бекор

Мавзуга қайтиб

маънавий зарар "Тошкент шаҳар молия бошқармасидан ундирилсин" деб қўрсатилади. Табиийки, бошқарма бу маънавий зарарни тошкент шаҳар молия бошқармаси томонидан давлат бюджетга маблағлари ҳисобидан ундирилиши лозимлигини кўрсатиб ўтди.

Таъкидлаш жоизки, суд жараёнида шикоятдаги бошқа вақлар, мазмун жиҳатидан етказилган моддий зарар характерида эканлиги, бироқ бу ҳақда даввогар томонидан муфассал даъво келтирилмаганлиги аниқланиб, унга алоҳида тартибда судга мурожаат қилиш ҳуқуқи борлиги тушунтирилди.

Ҳозир С. Абдузимов моддий зарар характеридаги вақлар юзасидан юқори суд инстанцияларига мурожаат қилди. Низо қандай ечим топишини эса вақт кўрсатади.

Содиқом ХАЙДАРОВ, "Халқ сўзи" мухбири.

Шифо масканлари талабга мосми?

— Дард азобида ёруғ олам кўзига зимистон бўлиб кўринаётган бемор ўрнига ўзингизни бир зум қўйиб кўринг, — дейди туман марказий шифохонаси бош ҳакими Баҳодиржон Ҳўраев. — Ушунда ҳимматиниям, хизматиниям аямган қўли очик инсонларнинг нақадар савоб иш қилганликларини тушуниб етасиз. Туманлараро силга қарши кураш диспансери биносидан тортиб жиҳозларига ночор аҳволга тушиб қолганди. 75 миллион сўм маблағ ажратилиб, бу ер бугундай янгиланди. Бугун иссиқлик ва сув манбалари кам-қўстисиз ишлаяпти.

Кишилар саломатлигини сақлаш, уларга кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини яхшилаб, жаҳон андозалари даражасига кўтариш ҳар бир изобосканликнинг вазифаси ва бурчи айлангани уларнинг амалий ишларида яққол кўриш мумкин. Туман марказида Шовшинлик тиббий ёрдам биносининг маҳобатли биноси ишга туширилди. Орадан кўп ўтмай хомийларнинг 12 миллион сўм маблағи ҳисобига Чўнғобогий кишлоқнинг Обод маҳалласидаги КВП биноси таъмирдан чиқарилди.

"Бахт" аталмиш кичик қорхона Чуванининг Бешмирза маҳалласидаги КВП биноси қурилишини ўз зиммасига олди. Бино қурилишига 68 миллион сўм сарфланди. Бу кўркам сийҳатгоҳ ҳам замонавий жиҳоз ва тиббий анжомлар билан таъминланди. Шундай қилиб туманда КВПлар сони 26 тага етди.

— Булар ҳали ҳаммаси эмас, — дейди бош ҳаким. — Хомийларимиз бутун бошли кўркам иншоотлар қўриб бериш, замонавий тиббиёт ускуналари билан таъминлашдан ташқари транспорт воситаларини янгилашга ҳам бош-қош бўлмоқдалар. Абдусамат Тилабоев номли, «Кўгай», Охунбоев номли «Андижон», «Чўнғобогий», «Пойтуғ» ширкат ҳўжаликлари, Пойтуғ ип-йигирув, тўқув ҳиссадорлик жамияти биргалашиб, марказий шифохонага 4 та «Дамас» ҳада этдилар.

Айрим жойларда қишлоқ қорхона қурилиш бошланди, дегунча мутасаддиларнинг ҳаловати йўқолади. Сабаби аён: мавсумга кўнглидагидек тайёргарлик қўрилмаган. Биноларнинг томлари таъмирдан пухта чиқарилмаган. Мутасаддилардан бунинг сабабини сўрасангиз, маблағ етиш-

майтганини рўқач қиладилар.

Соғлиқни сақлаш тизимини янада ривожлантириш, унинг моддий-техник даражасини ошириш, фойдалана олинмаган ва ўз вақтида кўрсатиладиган тиббий ёрдам билан таъминлашга панжа орасидан қаралаётган оқибатда хайҳотдай сийҳатгоҳларнинг хувиллаб қолганини аниқ ҳақиқат. Жалолқудудкаги Сўфиқишлоқ пахта тозалаш ҳиссадорлик жамияти тасарруфидеги "Андижон" шифо маскани ана шундай янчилик ҳолга тушиб қолди.

— Бу ерда ишлаганимга саккиз йил бўлди, — дейди унинг бош шифокори Баҳодиржон Тошканов. — 100 ўрилли сийҳатгоҳимизда 35-40 одам меҳнат қиларди. Ўтган йилнинг ўзида «Пахтаसानоат» тизими ходимларидан 190, қорхонамиз ишчи-хизматчиларидан 170-180 нафари шу ерда дам олди, саломатлигини мустаҳкамлади. Энди бўлса сийҳатгоҳимиз ҳам, 20-25 гектар бoғ-роғимиз ҳам хувиллаб қолди.

— Икки йил илгари Республика кўчаси мулк бир ҳиссасининг вилоят бўлими сийҳатгоҳи савдога қўйилди. Ҳадеганда харидор топилавермади. «Сўфиқишлоқпахта» эса уч қаватли бинони таъмирдан чиқаришни, унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашни ўзига эп кўрмади. Биз икки ўт орасида қолдик. Ёрдам сўраб қорхона раҳбарлари га урарман. Нафи бўлмаёпти.

— Сийҳатгоҳнинг «сийҳат» яхши бўлиши учун ё сотилиши керак ёки қорхонанинг ўзида қолиши зарур, — сўхатчи қўйилди «Сўфиқишлоқпахта» ҳиссадорлик жамияти касаба уюшмаси қўмитаси раиси Акбаржон Бурхонаев.

Биргина «Андижон» шифо маскани эмас, балки «Саломатлик-Р» масъулияти чекланган жамият тасарруфига ўтган Андижон туманидаги Бобур номли, Ҳрабек қишлоғидаги Ибн Сино, Ҳўжаободдаги Дилқудод, Жалолқудуднинг Ёриқишлоқ қишлоғидаги «Нефтчи» сингари қатор сийҳатгоҳлар ҳам эътибор ва қимматга муҳтож бўлиб турибди.

Саломатлик — туман бойлиги. Шундай экан, бугунги кунда сийҳатгоҳларнинг моддий базасини мустаҳкамлаш изобосканликларга ўшаб хомийлар ёрдами оқилона йўналтириши талаб этади.

Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ, "Халқ сўзи" мухбири.

Муҳожиралик камаймоқда

Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотининг йиллик ҳисоботи эълон қилинди. Унда таъкидланишича, ўтган йилдан буён дунё бўйича муҳожиралик сони пасая бошлади. Бунинг асосий сабаби Болкон ва Афғонистон минтақасида барқарор вазият юзага келганидир. Шунингдек, бой ва ривожланган давлатларда яшашни истовчилар сони ҳам йил сайин қисқариб бораёпти.

Аммо, Америка расмий статистика маълумотларида қайд этилишича, айни пайтда АҚШ ҳудудидан ноқонуний истиқомат қилаётган муҳожиралик сони рекорд даражага етган. Pew Hispanic Center агентлиги ўтказган таҳлиллар шуни кўрсатдики, гарчи чегараларда хавфсизлик чоралари кучайтирилган бўлса-да, ноқонуний йўл билан мамлакатга ҳар йили 500 минг нафарга яқин муҳожирик келиб қолади. 2005 йил март ойига келиб уларнинг умумий сони 10 миллион нафарга (АҚШ аҳолисининг 3 фоизи) етган. Уларнинг 57 фоизини мексикаликлар, 24 фоизини Латин Америкадан келганлар, қолган 19 фоизини эса турли мамлакатлар фуқаролари ташкил қилади.

Ливанда яна портлаш

Ливаннинг Каслик шаҳридаги савдо марказларидан бирида портлаш рўй берди. Кучли портлаш оқибатда савдо маркази томи кулаб тушди. Сўнгги маълумотларга қараганда, икки киши ҳалок бўлган, уч киши жароҳатланган. Маҳаллий матбуотда келтирилган маълумотда айтилишича, қурбон бўлган икки шахс Хиндистон ва Покистон фуқаролари эканлиги аниқланган.

Кастро Россияга келмоқчи

Фидель Кастро Москвага келмоқчи. Бу ҳақда Кубанинг Россиядаги элчиси Хорхе Марти Мартинес матбуот анжуманида маълум қилди. Унинг айтишича, Фидель Кастро Владимир Путиндан махсус таклифнома олган. 78 ёшли Кастронинг Россияга таширифи унга

УЕФА «Челси»ни жазоламоқчи

Европа футбол ассоциацияси Лондоннинг «Челси» жамоасига, бош мураббий Жозе Моуриньо, унинг ёрдамчиси Стив Кларк ва клубнинг хавфсизлик хизмати ходими Лес Майлсга нисбатан жазо чоралари кўрмоқчи. Улар футбол нуфузига зиён етказишда айбланмоқда.

Ҳап шундаки, Европа чемпионлар лигасидаги «Барселона»-«Челси» ўйинидан сўнг Моуриньо «Барселона» мураббийи ҳақинлар хонасига кириб, ўйин рефериси Андрес Фриск билан суҳбатлашди, деган баёнот билан чиққан. Шундан сўнг ҳакам кўплаб дўшманлар, ҳақорат сўзлар

эзилган хатлар олган ва ҳакамликдан кетишга қарор қилган. УЕФА ҳакамлар кўмитаси раҳбари Фолькер Рот Жозе Моуриньонинг «футбол душмани» деб атади.

Аммо УЕФА Ротнинг чиқилиши маълумламади. Жамоа ўйинининг иккинчи таймига кечикиб чиққани ва бош мураббий ўйиндан сўнг матбуот анжуманига қатнашмагани учун айбланади, дейилади УЕФА баёнотида. Санкция ҳақидаги қарор Европа футбол ассоциациясининг интизомий комиссиясининг шу йил 31 мартдаги йиғилишида қабул қилинади.

Жаҳон спорти

қулай вақтда амалга оширилади. Элчининг қайд этишича, ушбу сафар икки давлат раҳбарлари тарафидан ўзаро келишилган.

Ҳафталик иш вақти узайди

Франция парламентида мамлакатда ҳафталик иш соатига қўйилган чекловни бекор қилиш масаласи овозга қўйилди. Эндиликда қабул қилинган янги қонунга биноан ҳафталик иш вақтини 48 соатга қўйиш мумкин.

1998 йили мамлакатда ишсизлар сонини қисқартириш мақсадида иш вақти ҳафтасига 35 соат деб белгиланган. Бироқ, мутахассисларнинг фикрича, ушбу тадбир самара бермади. Францияда ишсизлар сони ҳамон мамлакат аҳолисининг 10 фоизини ташкил этмоқда.

ОЛАМ НАФАСИ
Янгиликлар, воқеалар, далиллар

Диктатор невараси сайловда қатнашади

Бундан бир муддат олдин суд диктатор Бенито Муссолинининг невараси Алессандре Муссолинининг маҳаллий сайловларда иштирок этишини тақиқлаганди. Италия Олий маъмурий суди диктатор неварасига сайловларда ўз номзодини қўйишига рухсат берди.

Сийасатчиларнинг таҳмин қилишича, унинг «Иттиҳодий муқобиллик» партияси сайловда ғалаба қозонса, Алессандре губернатор бўлиши ҳам мумкин.



Хоржик матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Исландия парламенти шахмат бўйича собиқ жаҳон чемпиони Бобби Фишерга мамлакат фуқаролигини бериш тўғрисида қарор қабул қилди. Овоз беришда қатнашган 42 депутатнинг 40 нафари бу қарорни қўллаб-қувватлаган бўлса, икки депутат бетараф қолди.

Фишер — Исландия фуқароси

Маълумки, ўтган йилнинг июль ойида Фишер Токио аэропортида Япония хавфсизлик хизмати ходимлари томонидан қўлга олинган эди. У АҚШ ҳукумати томонидан собиқ Югославияга нисбатан эълон қилинган амбаргони бузишда айбланмоқда. 1992 йилда Бобби АҚШ эмбарго эълон қилган бўлса-да, Югославияда ўтказилган шахмат турнирида қатнашган эди. Шунинг учун Оқ уй расмий Токиодан шахмат бўйича собиқ чемпион

ни АҚШга топширишни талаб қилди. Аммо Япония ҳукумати бунга қарши ўлароқ Фишерни қайси мамлакат фуқаролиқига қабул қилса, уша давлатга беришга тайёр эканлигини билдирди. Исландия ҳукумати илгари Фишерга махсус «сайёҳлик паспорти» берганди. Аммо Япония бу ҳужжат билан собиқ чемпионни мамлакатдан чиқаришни рад этди. Энди Фишер Исландия фуқароси бўлди. Япония уни мамлакатдан чиқаришга рухсат берадими? Буни вақт кўрсатади.

Иқтисодий ўсиш сақланиб қолади

Халқаро валюта жамғармаси 2005 йилда ҳам дунё иқтисодиёти ижобий кўрсаткичлар қайд этаётганини тасдиқлади. ХВЖ раҳбари Родриго Рато Хиндистон Захира банки раҳбарияти билан учрашув чоғида жаҳон иқтисодиё-

катлар, хусусан, Осиё давлатлари учун ҳам долларнинг заифлиги жиддий муаммо бўлиб турибди.

Япон иқтисодчилари фикрича, доллар курсининг пасайишига асосий сабаб АҚШ ҳукуматининг савдо балансидаги жуда катта миқдордаги камомадни қисқартириш учун қилаётган ҳаракатларидир. Хозир жаҳон бозорида Америка сотиб олаётган товарлар ҳажми у сотаётган товарлардан кўра кўпроқдир. Бу жараёнда кучсиз валюта Қўшма Штатларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг арзон бўлишига, пировардида ташқи савдодаги салбий қолдиқнинг камайишига хизмат қилади.

Бир қарашда АҚШ ўз муаммоларини бошқа давлатлардан фойдаланиш эвазига ҳал қилмоқда,

бўлганлиги сабабли, ўсиш сақланиб қолиши аниқ», деди Родриго Рато.

ХВЖ мутахассисларининг таҳминича, дунё иқтисодиёти ўсишининг секинлашувига электроникага талабнинг камайишидан ташқари, нефть нархларининг ортishi ҳам таъсир қилиши мумкин. Ривожланган мамлакатлар энергиядан фойдаланиш самарадорлигини ошириш эвазига хозирча бу масалани ҳал қилмоқда. Нефть истеъмол қилиш кучайиб бораётган Хиндистон ва Хитой сингари ривожланаётган давлатларга эса қийин бўляпти. ЯИМнинг катта миқдори ни Россия эълон қилган шартномалар тузиш бу муаммони қисман ҳал этади, холос.

Сарҳисоб

деган фикр пайдо бўлади. Аммо ХВЖ мутахассиси Дейв Корнеллнинг мулоҳазаларига кўра, АҚШ савдодаги бўшлиқ дунё иқтисодиётига ижобий таъсир ҳам кўрсатмоқда. «Америка иқтисодиётидаги фаоллик фақат савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаларида кузатишмоқда, товарлар масаласида эса бу мамлакат ўта суст. Бошқаларнинг Америка бозорига чиқиши учун қулай имконият ҳосил бўлди. Бундан хозирданок Хитой ҳам, Европа Иттифоқи ҳам, Жанубий ва Марказий Осиё минтақаси давлатлари ҳам фойдаланмоқда».

Кўпчилик томонидан таъкидланаётганидек, бир қатор мамлакатлар марказий банкларининг ўз валюта захираларидаги доллар улушини камайитириши долларнинг тушишига асосий туртки эмас. Чунки ташқи иқтисодий операцияларни амалга ошириш учун ҳамма давлатлар банкда етарли миқдорда АҚШ валютаси бўлиши керак. «Бугунги кунда бундан ишончлироқ воқеа мавжуд эмас», деди Корнелл.

Дунё иқтисодиёти ўсишда давом этишини тасдиқлар экан, Халқаро валюта жамғармаси раҳбари Осиё давлатлари алоҳида эътибор қаратди. Унинг эътирофи эътиҳоти, Осиёдаги ўсиш 7-8 фоиз атрофида сақланиб қолади. «Экспорт ҳажмининг ўсиши электроника соҳасидаги иқтисодий портлаш жараёни туғаб бораётганлиги тўғрисида бироз секинлашиши мумкин. Аммо ишлаб чиқариш тизимини тобора қайта тиклаётган бу мамлакатларнинг ўзидаги ички талаб ҳамон юқори

Дарвоқе, Халқаро валюта жамғармаси мутахассислари томонидан республикамиз иқтисодиётидаги ўсишнинг тезлашаётганлиги бундан бир неча ой илгари тасдиқланган эди. 2004 йил якуни ва 2005 йилга иқтисодий прогнозлар борасида ХВЖнинг Яқин Шарқ ва Марказий Осиё департаменти маслаҳатчиси Жон Вейкман-Линн томонидан билдирилган фикрлар эътиборга моликдир. Мутахассис мамлакатимизда амалга оширилган тузилмалар иқтисодий ислохотлар, пухта валюта-кредит сиёсати ўз самарасини бераётганлигини эътироф этган, 2004 йил якунига келиб Ўзбекистон иқтисодиётида қузатилган асосий кўрсаткичлар (ЯИМдаги 7 фоизлик ўсиш, ташқи савдода 1 миллиард доллар зиёд ижобий қолдиқ, олтин-валюта резервларининг кескин ортishi қабилар) катта ишонч уйғотаётганини айтиб ўтганди.

Жамғарма томонидан олиб борилган таҳлиллар 2005 йилдаги иқтисодий кўрсаткичларнинг ортishi Хитойда камиди 8 фоизга, Хиндистонда 6, Жанубий Осиё мамлакатларида 5-6, Марказий Осиё мамлакатларида ҳатто 7-10 фоизга етиши мумкинлиги айтилади. «Аммо Осиё иқтисодиёти жуда мураккаб, чунки бу ерда ҳар бир мамлакат ўзига хос хусусият ва имкониятларга эга», деди Рато. — Марказий Осиё давлатлари қишлоқ ҳўжалиги ва қайта ишлаш саноатини ривожлантириш орқали дунё бозорига чиқиб кела бошлади. Энг муҳим жиҳат шуки, маъмур мамлакатлар иқтисодий тараққиётининг асосий манбаи бу давлатлар халқларининг хаддан ташқари меҳнат-қаш ва тиришқоқлиғидир».

Ботиржон ҒОҒУРОВ.



Юртимизга Наврўз кириб келди.

Жиззах қир-адирлари, тоғ ёнбағирлари ям-яшил либос кийди. Бугдойзорлар майсаси тиззага уради. Дехқон ерга чигит қадашни бошляпти. Мамлакатимизнинг бойлиги, ифтихори бўлган «оқ олтин»дан ўтган йилдагидек бу йил ҳам мўл ҳосил етиштиришга замин ҳозирланмоқда.

«ЖИЗЗАХПАХТАСАНОАТ»

ХУДУДИЙ БИРЛАШМАСИ ЖАМОАСИ
вилоятимизнинг қўли қадоқ, қалби қайноқ пахтакор фермерларини, дехқонларни, мафтункор Ватанимизнинг барча меҳнаткашларини уйғониш фасли, азалий байрам —

Наврўз

билан самимий муборакбод этади.

Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, дастурхонимиз тўкин бўлсин!



Кўнгул чироғи эди

Адхам Хамдам деганда одамларнинг юзига беихтиёр табассум югуради. Шунинг учун, келинг, гапни латифадан бошлай қолай.

Адхам Хамдам бир куни Кўконга борибди. Унинг қизи яқинда педагогика институтини битирган экан. Адхам ака йўл-йўлакай институтга ҳам мўралаб, домлаларга раҳматини айтиб олмакчи бўлибди. Қараса, ректорат олдида бешолти муаллим кўконча мутойба қилиб, кулишиб турган экан. Уртада ректор, унинг ёнида проректор, деканлар, кафедра мудирлари... Адхам ака уларга қиё ҳам боқмай, тикка бориб, энг ёш чиройли домланинг кўлини олибдию силталай бошлабди:

— Раҳмат, укажон! — дермиш Адхам ака, — сизга мингдан-миг раҳмат! Қизим омон-эсон ўқишни битириб олди. Бир амаллаб уни узатиб ҳам олдим, укажон. Умрингиздан барака топинг...

Ректор бошлик казо-казолар, нега Адхам ака кечагина ишга келган гўр болага қуллук қилапти, деб хайрон эмиш. Адхам ака эса, муаллим йигитчани ялагудек бўлиб гапни тугатибди ва шундан кейингина ёшуллиларга қўл узатибди. Сир кейинроқ очилибди. Бояги «кечагина ишга келган» йигитча талабалардан бир нима таъма қилиб, гўзалларга тузоқ қўйишда ном чиқарган экан. Адхам ака, «раҳмат» бахонасида институт катталарига «қўлларингда ким ишлаётганини билиб қўйинглар» дея шаъма қилган экан.

Адхам аканинг дунёга келиб орттиргани дўст бўлди, ошноақ кадрдон бўлди. Доно Махтумқулнинг «Дон дўстинг бошқа», жон дўстинг бошқа» деган ҳикмати гўё Адхам Хамдамга қарата айтилган эди. Адхам аканинг икки ёнида, олди-ортида жон дўстлари бисёр эди. У киши дўст учун қилмаган гуноҳни қилдими дейишга тайёр эди, қилдими рози қилиш пайида ўзини ўтга

хам, сувга ҳам ура олар эди.

Хунари одабийлик, одамшавандалик, одампарварлик эди. Бировларга яхшилик қилишни ўзига фарз деб биларди. Айтишларича, баъзан «Бугун ёмон бўлди-да, жуда ёмон бўлди», деб бошини чангаллаб ўтирармиш. «Нима бўлди, Адхам ака?» деб сўрарди, «Бугун биронта одамнинг хожатини чиқаролмадим, хуллас, бугун ёмон кун бўлди», деб бош чайқармиш...

Яқинларига, етти ётти кишигами яхшилик қилса, бировга сездирмас эди.

«Унг кўнгул қилган ишни чап кўнгул билмасин, ошнама! Яхшилик қил, дарёга ташла, балик билар, балик билмаси халиқ билди», дейишни хуш кўрарди. У киши азиз авлиё-анбиёларнинг азалий нақлини кўнгулга нақшлаб олган эди. Ёни:

Дунёда яхши ном қолдирмоқчи бўлсанг, ном чиқаришга уринма.

Фақирлиқни фахрим, деб бил;

Талайдурманка, бировдан тиламагайдурсен;

Кийганидан кийдирганинг ахшироқ...

Адхам аканинг тили ҳам, қалами ҳам ўткир, жилд-жилд китоб ёзиши мумкин эди. Бунинг учун иктидори ҳам етарли, халққа айтганидан вазмин гапи ҳам бор эди. Ёзмади. «Нега ёзмайсиз, Адхам ака?» деб сўрасақ, «Насриддин Афанди ҳам ёзмаган-ку, лекин унинг қанча-қанча китоблари бор, тўғрими?» деб қўрди.

Агар ёзувчининг Викдон кодекси битилмаган бўлса, Машрабининг қўйидаги байтини Адхам аканинг ҳаётига хатбоши қилиб қўйиш мумкин эди.

Дунё ясаиб, жилава қилиб олдима келди, «Борган нари!» деб кетмага шатталаб ўтдим.

Ҳа, Адхам аканинг дилдаги дунёси ҳам, дунёда-

ги дуоиси ҳам халқ эди.

Халқининг оғирини енгил қилиш учун у фоний оламнинг роҳат-фароғатларидан, мону манот сеҳри, сийму зар жилосию жилвасидан ўзини тия олди. Бундай тоза нафс ҳар кимга ҳам насиб этвермайди. Зеро, нафсини тийган — авлиё, деган гап бежиз айтилмаган.

Ушбу мухтасар таърифотни бир ажиб воқеа билан тугатгим келди.

Қайсиём бир йили яхши шоир ва дилқаш суҳбатдош Раззоқ Абдурашид икковимиз Фаргона сафарига жўнадик.

Маргилонда поезддан тушдик. Адам акага хабар бериб қўйишган экан, бизни вокзалда кутиб олди. Одатдагича ҳазил-хузул билан шундоқ вокзал биқинидаги чойхонага бошлади.

Чойхоначи эски кадрдоним бўлади. Анчадан бери ялиниб юрвуд. Ташкентдан шоирлар келишса, бизнинг кулбага ҳам олиб кириб, бир пивёла чой ичиб кетишин. Шоирларнинг бахри байтидан биз ҳам бахраманд бўлайлик, деганди. Сизларнинг келишингизга атайлаб учрашув ташкил қилиб қўйдик.

Чойхонага кирдик. Одам гавжум. Кеч кузак эмасми, патнисларда сархил мевалар. Маргилоннинг атоқли луччак шафтолисидан қора анжир анжиронга хусайн узумгача териб қўйилган. Бизни кўриб, мезбонлар дув қўзғалишди. Самовор тарафдан Адам аканинг «Эски кадрдон» ҳам олиб келди. Қарасақ, чойхоначи андак безовтароқ, Жовдираб бизга боқди, сўнг Адам акага қандайдир имо-ишоралар қилди. Адам ака, «Сизга айтган кишиларини мана шулар», дедию «четроққа чиқди». Чойхоначи бизга аллақандай қозғоларни кўрсатиб, ҳисоб бера бошлади:

— Мана, катта акалар, ҳаммаси тўланган. Иликтирга ҳам, газга, сувга...

Съдулла СИЁВ.



ТАВАККАЛ ҚИЛИШНИНГ НИМА КЕРАГИ БОР?

Ҳақиқий



ИШЛАТИНГ



Янги компьютер сотиб олаётганингизда, унда лицензияланган Microsoft® Windows® XP операцион системаси ўрнатилганлигига амин бўлинг! Унинг ён томонида аслик сертификатини топинг.

MaXyCлoт
сертификатланган
137-68-03
www.sharifa.uz

Micros
132-07-14
www.ucdgroup.com

NURON
194-57-91
www.nuron.uz

ОВУДА ОЧИЛГАН ЯРМАРКА

НУКУС (ЎЗА МУХБИРИ А.ОРТИҚБОВ).

Беруний тумани меҳнат бўлими Беруний, «Бийбозор» ва «Оптик» овулларидан наватдаги меҳнат ярмаркасини ташкил этди. Унда талабгорларга қорхона ва ташкилотлар, фермер хўжалиқлари 205 бўш иш ўрни тақлиф этди. Шу куни мутахассислиги ва малакасига қараб 145 нафар киши иш билан таъминланди.

Фаргона вилояти, Кўкон шаҳри бўйича қарздорларга нисбатан қузатув жорий этиш, Маргилон шаҳрида рўйхатдан ўтган ва банкрот деб эълон қилинган хусусий фирмалар ҳақида

ХАБАР

Фаргона вилояти хўжалик судининг 2005 йил 9 мартдаги 15-05-06/1264-сонли ажримига асосан «Кўнчи» ҳиссадорлик жамиятини банкрот деб эътироф этишга оид иш юритилиб, қузатув жараёни бошланди. Муваққат бошқарувчи этиб суд бошқарувчиси М.Алиёва тайинланди.

Маълумот учун телефонлар: 24-71-12, 24-44-70.

Фаргона вилояти хўжалик судининг 2005 йил 27 январдаги 15-05-05/854-сонли ажримига асосан «Кўкон одеяли» ҳиссадорлик жамиятини банкрот деб эътироф этишга оид иш юритилиб, қузатув жараёни бошланди. Муваққат бошқарувчи этиб суд бошқарувчиси Д.Мамуров тайинланди.

Маълумот учун телефонлар: 24-71-12, 24-44-70.

Фаргона вилоятининг Маргилон шаҳрида жойлашган «Гулбайна» хусусий фирмаси вилоят хўжалик судининг 2004 йил 22 октябрдаги 15-04-4/4777-сонли ҳал қилув қарорига асосан банкрот деб эътироф этилди ва тугатиш ишлари бошланди. Тугатиш бошқарувчиси этиб суд бошқарувчиси О.Қосимов тайинланди. Ушбу фирмага алоқадор шахс ва қорхоналар 2 ой муддат ичида қуйидаги манзилга мурожаат этишлари мумкин:

Фаргона вилояти, Фаргона шаҳри, А.Навоий кўчаси, 13-уй. ВИНКИБ. Тел: 24-44-70, 24-71-12.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га
ЭЪЛОНЛАР
КАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона
E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

Боғча мугдирлари беллашуви

Мамлакатимизда хотин-қизларни оммавий спортга жалб этишга алоҳида эътибор берилмоқда. Яқинда Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси томонидан яна бир ибратли ишга асос солинди: мактабга таълим муассасалари мугдирлари ўртасида спортнинг волейбол, сузиш, стол тенниси, шашка турлари бўйича мусобақа ташкил этилди. Мусобақанинг шаҳар босқичида 200 нафарга яқин боғча мугдирлари спортдаги маҳоратларини синовдан ўтказдилар. Умумжамоа ҳисобида Акмал Икромов, Шайхонтоҳур ва Юнусобод туманлари вакиллари фаол иштирок этишди.

Маъруз мусобақани апрель ойида умумтаълим мактаблари раҳбарлари, май ойида эса Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси раҳбар ходимлари ўртасида ҳам ташкиллаштиришга келишиб олинди.

З. ЖОНИБЕКОВ.

Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси жамоаси Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси раиси

Зухра Агзамовна САЙДАМИНОВАнинг вафоти этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳайъати ҳамда қасаба уюшмаси Бирлашган қўмитаси ЎзР ФА О. Солиқов номидаги Биорганик кимё институти директори, ЎзРФА академиги, биология фанлари доктори, профессор Шавкат Салиховга волидаси

НАИМА аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия ва ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳузуридаги Балний экспертиза бошқармаси жамоаси бош санъатшунос-назорати Тўлқин Арзиевга онаси

Зайнаб АРЗИЕВАнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзгромашсервис» уюшмаси жамоаси уюшма марказий аппарати бошқарувида кўп йиллар давомида раҳбарлик лавозимларида ишлаган

Ҳажим Эшбоевич БЕРДИЕВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзфарманоат» ДАК жамоаси иқтисодий таҳлил ва молиялаштириш бўлими бошлиғи Ғайрат Папировга отаси

Абдуназар ҚОРАЕВнинг вафоти этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Маннон Уйғур номидаги Тошкент давлат санъат институти жамоаси институти Уқув услубий бўлими бошлиғи Аида Акрамовага волида мухтарамаси


Асрорхон ая АКРАМОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Тадбиркор аёл» Ўзбекистон ишбилармон аёллар ассоциацияси Тошкент шаҳар бўлимининг юридик манзили, номлангани ўзгарганлиги сабабли думалоқ муҳри ва бурчак штампни бекор қилинади.

Хурматли юртдошлар! Давлат акциядорлик тижорат «АСАКА» банки Сизларга ПЛАСТИК КАРТОЧКА – замонавий банк хизматларидан фойдаланишни тақлиф этади!

«АСАКА» БАНКИНИНГ ПЛАСТИК КАРТОЧКАСИ - БУ:

- Махсулот ва хизматлар учун тўлаш қулай бўлган самарали восита.
- Автокредитларга тез ва осон пул тўлаш.
- Ҳар ойда даромад тўлаш йиллик 16%.
- Карточка йўқолган ёки ўғирланган тақдирда Сиз пулингизни йўқотмайсиз.
- Харажатларингизни сарҳисоб қилиш жуда осон ва қулай.
- Барча турдаги карточкаларда сўғурта қилиш кўзда тутилган.



БУНДАН ТАШҚАРИ, «АСАКА» БАНКИ МУДДАТЛИ ОМОНАТЛАРНИ МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАДА ТАКЛИФ ЭТАДИ:

Миллий валютадаги омонатлар

6 ойдан 1 йилгача	24% йиллик
1 йилдан 3 йилгача	23% йиллик
3 йилдан 5 йилгача	24% йиллик
«Юбилейный» (камида 6 ой)	22% йиллик
«Орзу» (камида 3 ой)	24% йиллик
«Наврўз» (2 ойга)	24% йиллик
«Табассум» (45 кунга)	24% йиллик
«Мадад» (1 йилга)	22% йиллик
«Умид» (камида 3 ой)	25% йиллик
«Такдим этувчига» (камида 3 ой)	23% йиллик

Хорижий валютадаги омонатлар

1 йилгача	3% йиллик
1 йилдан юқори	
1000 АҚШ долл. дан 5000 АҚШ долл. гача	4% йиллик
5000 АҚШ долл. дан юқори	4,5% йиллик

Шунингдек, «Асака» банки қимматбаҳо буюмларни сақлаш учун депозит қутчаларини ижарага беради.

Маълумот учун телефонлар: 120-84-08, 57-85-15, 120-83-14

БАНКДАГИ БАРЧА ДАРОМАДЛАРИНГИЗ ФУҚАРОЛАРИНГИЗ БАНКЛАРДАГИ ОМОНАТЛАРИНИ КАФОЛАТЛАШ ФОНДИ ТОМОНИДАН КАФОЛАТЛАНАДИ

Халқ сўзи Народное слово

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 261. 32634 нухсала босилди, ҳажми — 2 табоқ, офсет усулида босилган. Қозғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхоналар билан алоқа ва миттақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.
Тахририятда ҳажми 5 қозғоздан зейд материаллар қабул қилинмайди.
Т—Тижорат материали

• МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — А. Ҳайдаров.
Навбатчи — С. Аппар.
Мусаккаҳ — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА яқуни — 21.30 Топширилди — 12345